БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 7 ноябрь Чоршанба
№ 213 (13.649).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

БУГУН — ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИНИНГ 73 ЙИЛЛИГИ!

ССЖИ Мудофаа Вазирининг БУЙРУҒИ

1990 йил 7 ноябрь, 415-сон Москва шаҳри

Армия ва флот жангчилари, уруш, меҳнат ва ССЖИ Қуролли кучларининг ветеранлари, Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари, ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг жангчилари Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигини мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган, Совет Социалистик Жумҳуриятлари ислоҳ қилинаётган, янги сиёсий тузилмалар барпо этилаётган масъулиятли, мураккаб даврда нишонламоқда. Жамиятимизнинг ватанпарвар кучлари, ватанимизнинг тақдирини қадрловчи барча кишилар ўзларининг бутун куч-ғайратларини инқирозни бартараф этишга, қайта қуришнинг амалий вазифаларини ҳал этишга, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, 1917 йилнинг октябрида танлаб олинган социалистик йўлни ҳимоя қилишга сарфламоқдалар.

Дунёдаги ҳозирги вазиятни тубдан ўзгартириш Совет Иттифоқини қайта қуриш, янгилаш билан чамбарчас боғланмоқда. Давлатлараро муносабат тажрибасида янги сиёсий тафаккур қоидалари қарор топмоқда. «Совуқ уруш»га чек қўйилди. Сиёсий мулоқот кучайиб бормоқда. Музокаралар орқали қуролсизланиш жараёни ривожланмоқда. Ўта қуролланишдан мудофаа учун етарлилик сари тарихий бурилиш бошланди, Совет Иттифоқи шу бурилишнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Бизнинг янги мудофаа ҳарбий доктринамиз моддий жиҳатдан изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, ҳарбий соҳада чуқур ислоҳот ўтказилмоқда.

Қўшинлар ва қуролли кучлар катта миқёсда қисқартирилаётган, ижтимоий-турмуш муаммолари кескинлашаётган, мамлакатнинг бир қанча минтақаларида конституциявий ҳарбий бурчни бажаришга қаршилик қилишга уринишлар содир бўлаётган мураккаб шароитда мудофаа қурилиши, қуролли кучлар қайта қурилмоқда. Қуролли кучларнинг шахсий таркиби халқ олдидаги ўз масъулиятини англаб, қийинчиликларни матонат билан бартараф этмоқда, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, армия ва флотнинг жанговар шайлигини, ватанимиз — Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқини пишиқ-пухта ҳимоя қилиш учун етарли даражада сақлаб туриш вазифаларини фидокорона ҳал этмоқдалар.

Сизларни Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман!

Қуролли кучларнинг жангчиларига ҳарбий бурчни муваффақиятли бажаришларини, социалистик ватаннинг қуролли ҳимоячиси шон-шарафи ва қадр-қимматини юксак даражада сақлашларини, қаҳрамонона инқилобий ва жанговар анъаналарни ардоқлаб-асраш ва кўпайтиришларини тилайман.

Уруш ва меҳнат, қуролли кучлар ветеранларига, совет ёшларига, советлар мамлакатининг барча меҳнаткашларига Ватан равнақи йўлида салмоқли ишлар ва зафарлар, ижтимоий тараққиёт ва тинчлик йўлидан, Октябрь йўлидан олға боришда муваффақиятлар тилайман.

Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 70 йиллигини нишонлаш юзасидан буюраман:

Бугун, 1990 йил 7 ноябрь куни маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош жумҳуриятларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, Қаҳрамон қалъа — Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморскда тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб байрам салюти берилсин.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги!

Қаҳрамон совет халқига ва унинг шавкатли қуролли кучларига шон-шарафлар!

**ССЖИ Мудофаа Вазири Совет Иттифоқи маршали
Д. ЯЗОВ.**

ВЕТЕРАНЛАР ЙИҒИЛИШИ

5 октябрь куни Тошкент вилояти партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов йиғилиш аҳлини умумхалқ байрами билан самимий қутлади.

Сўзга чиққан ветеранлар эътибор ва ғамхўрлик учун жумҳурият партия ҳамда ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар жамиятни ривожлантиришга имкони борича ҳисса қўшишга, ёшларни байналмилал руҳда тарбиялашда фаол қатнашишга бугунги кунда ҳам тайёр эканликларини айтдилар.

СОВҒА

Андижон шаҳар маданият уйи «Сумалак» фольклор рақс дастаси Тожикистон бўйлаб ижодий сафаридан қайтиб келди. Даста қатнашчилари Тожикистон пойтахти, Турсунзода ва Қўрғонтепа шаҳарлари аҳолисини ўз санъати билан таништирди, Жумҳурият Шаҳритуз ноҳиясидаги «Бешкент», «Ҳавваскор» давлат хўжаликлари, Ленин номли ва Карл Маркс номли жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари ҳузурида концертлар беришди.

Яқинда Ўзбекистон маданият вазирлигининг қарорига биноан халқ ижодиётини ривожлантиришда ва тарғиб этишдаги хизматлари учун унга «Халқ ансамбли» унвони берилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ф. БОБОЖОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Жумҳуриятда маданият ва санъатни ривожлантиришдаги хизматлари, юксак касб маҳорати ва актив жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитасининг сухандони ўртоқ Ф. Бобожоновга «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил 6 ноябрь.

ХХ АСРДАГИ ТУБ БУРИЛИШ

ОКТЯБРЬ социалистик инқилоби ХХ аср жаҳон тарихидаги туб бурилиш бўлган воқеадир. Инқилоб Россиянинг барча ўтмиш тараққиёти мобайнида тайёрланган бўлиб, у мамлакат тарихи учун тасодифий эмас эди. Жаҳон уруши қолоқ деҳқонлар мамлакатида инқилоб ғалабасини муайян енгиллаштирди. Йўқсилларнинг йирик капиталистик саноат эгалари билан синфий курашларда тобланиши унинг авангардлик ролини таъминлаб, аграр инқилобни амалга оширишга бўлган вазият ўсиб борди. В. И. Лениннинг: Халқларга — тинчлик, деҳқонларга — ер, ҳокимият — Шўроларга! Бу машҳур шиор кенг халқ оммасини большевиклар томонига жалб этди.

Февраль инқилоби Россияни сиёсий маънода жаҳондаги энг илғор мамлакатлардан бирига айлантирди, бироқ у Россия жамияти инқирозининг асосини ташкил этувчи ижтимоий, сиёсий, миллатлараро зиддиятларни ҳал эта олмади. Қонли уруш давом этарди. Мамлакатда вайронагарчилик, очлик ҳукмрон эди. Мамлакатда юзага келган фавқулодда зиддиятли шароитда Россия тарихий тараққиёт йўналишини танлаб олиши тўғрисидаги масала пишиб етилган муаммо бўлиб қолди.

1917 йилга келганда Россия капиталистик тараққиёт босқичини тўла босиб ўтмаганди. 1912 йилда у саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳонда бешинчи ўринни эгаллар эди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан эса АҚШдан деярли 13 карра орқада қолган. ХХ асрнинг бошларида шаҳарларда аҳолининг қарийб 13 фоизи истиқомат қиларди. Йўллар унча ривожланмаган, техник даражаси эса паст эди. Мамлакатда умуман капиталлаштириш жадаллашиб борарди. 1861—1913 йилларда Россия саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 12 каррага кўпайтириб, суръати жиҳатидан Германия, Англия ва Францияни қувиб етди. Бироқ бунга меҳнаткашларни қаттиқ эзиш туфайлигина эришилди. Ишчиларнинг маоши АҚШ ишчиларига нисбатан тўрт баробар кам эди. Деҳқончилик энг ўткир масалалардан бири бўлиб турарди. 10,5 миллион деҳқон қўлида 75 миллион десятина ер бўлиб, йирик заминдорларнинг 30 минг оиласи эса 70 миллион десятина ерга эга эди.

1917 йилда Россияда ишчи синфи 15 миллион кишини ташкил этарди. Бу йирик капиталистик мамлакатларга қараганда анча кам сонли эди. Унинг жанговар ўзагини фабрика-завод ҳамда кон саноати ишчилари ташкил этарди. Улар 3,4 миллион кишини ташкил қиларди. Улар мамлакатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий марказларига тўпланганди. Россия йўқсиллари икки буржуа-демократик инқилобни ўтаган ва катта сиёсий тажриба тўплаганди.

1917 йилдаги асосий масалалардан бири — бу урушга муносабат масаласи эди. Бу уруш мамлакатдаги оғир аҳволни янада мушкуллаштириб юборганди. Ҳалок бўлганлар, жароҳат олганлар, асирликка тушганлар ва бетоблар 8730 минг кишини ташкил этарди. Бу жаҳондаги бошқа ҳар қандай мамлакатдан кўп талофат эди.

Февраль инқилоби йирик ва нуфузли партиялар сифатида меньшевиклар ва эсерларни мамлакатнинг сиёсий турмуши майдонига олиб чиқди. Лекин буржуазиянинг асосий партияси — кадедлар 1917 йил мартида бўлган ўзининг VII съездида ислоҳотлар ва «сўл блок» билан тактикани ўртача ўтказиш тарафдори эканлигини баён қилди. Унинг йўлбошчилари Муваққат ҳукумат таркибига кирдилар. Кадедлар урушни то ғалаба қозонгунга қадар охиригача давом эттириш тарафдори ва шошилинч равишда 8 соатлик иш кунини жорий этишга қарши эдилар, деҳқон масаласини ҳал этишдан бўйин товлаб, миллий чекка ўлкаларни мухториятлашга салбий муносабатда қарардилар. Улар масалаларни ҳал этишни Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар орқага суриб келишарди.

1917 йилда эса большевиклар партиясининг сафлари тез суръатлар билан ўса бошлади. Масалан, 1917 йил февралида 24 мингдан то октябригача 350 минг кишига кўпайди. Қамоқхоналардан, сургунлардан, хорижий эллардан раҳбар партия ходимлари қайтиб келдилар. Шундай қилиб большевиклар таъсирчан кучга айландилар.

Апрель инқирози туфайли коалицион ҳукумат ташкил этишга олиб келди. Унинг таркибига 10 вазир-капиталист ва 6 вазир-социалист (А. Ф. Керенский, М. И. Скобелев, И. Г. Церетели, А. В. Пешехонов, В. М. Чернов, П. Н. Переверзев) кирди. Социалист вазирларнинг дастлабки каолицияда амалга оширган барча тадбирлари етарли даражада эмас эди. Жанггоҳда ҳужумга ўтишга тайёргарлик кўриш сиёсий каолиция ҳукуматида норозиликка, 1917 йил июнида Петроград, Москва, Киев, Иваново-Вознесенск ва бошқа шаҳарлардан оммавий намойишларга олиб келди.

Ҳукумат июль намойишларини тор-мор этди ва бутун буржуа лагери диктатура ўрнатишга уринди. Ҳарбий диктатура ўрнатишни Брусилов ўрнига бош қўмондон этиб тайинланган генерал Корнилов олға сурди. Ҳарбий диктатурани ўрнатиш хавфи миллионлаб оммани ҳаракатга келтирди. Корниловчилик билан курашда инқилобий куч устунлик қилди. Корниловчилик тор-мор этилди. Сентябрь ойининг ўрталарига келиб омманинг большевиклар томонига кескин ўтиши аён бўлиб қолди.

Маълумки, янги тарихий шароитда большевистик партиянинг вазифалари 1917 йил 26 июлидан то 3 августгача Петроградда ўтган РСДРП(б) VI съезди аниқлаб берган эди. Лениннинг тазйиқи остида Марказий Қўмита қўзғолон кўтаришга фаол тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Марказий Қўмитанинг 10 октябрида бўлиб ўтган мажлисида Ленин томонидан таклиф этилган резолюция қабул қилинди. 16 октябрда РСДРП (б) Марказий Қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида қўзғолонга тайёргарликни кучайтиришга даъват этилди. Чунки большевиклар омманинг ҳаётий манфаатлари — тинчлик, ер, нон, ишчи назорати талабларини ифода этган эди. Меньшевиклар ва эсерлар эса ана шу муаммоларни ҳал этишдан бош тортиб, большевиклар билан келишишга рози бўлмадилар. Большевиклар сентябрь бошида ана шундай келишувни таклиф қилишган эди. В. И. Ленин эса бунга ғоятда катта аҳамият берганди. Большевиклар ўткир мунозаралар давомида ўзларининг сиёсий йўлларини омма билан узвий боғлаган ҳолда ишлаб чиқишди. Шундай қилиб, сентябрь ойининг охирида октябрнинг бошларида большевиклар Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаш зарурати тўғрисидаги узил-кесил хулосага келишди.

Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаш учун Октябрь қуролли қўзғолони 1917 йилнинг 24 октябрида (6 ноябрда) бошланди. Ҳарбий-инқилобий қўмита эрталаб соат 10 да В. И. Ленин томонидан ёзилган «Россия гражданларига» мурожаатини эълон қилади. Унда давлат ҳокимияти ишчи ва аскар депутатларининг Петроград Шўроси органи — Ҳарбий-инқилобий қўмита қўлига ўтганлиги кўрсатилганди. Соат 14 дан 35 минут ўтганда Петроград Шўросининг шошилинч мажлиси бўлади. Троцкий гулдурос қарсаклар остида қўзғолоннинг натижалари тўғрисида маълумот беради. В. И. Ленин минбарга кўтарилганда қарсаклар янада кучаяди. У ўз нутқини машҳур: «Большевиклар ҳамма вақт зарурати тўғрисида гапириб келган ишчи ва деҳқонларнинг инқилоби амалга ошди...» сўзлари билан бошлайди.

Октябрь инқилоби шунинг учун ҳам ғалаба қилдики, большевиклар партиясидан ташқари бирор-бир бошқа партия умуммиллий инқироздан чиқиб олиш учун туб ижтимоий ислоҳотларни ўтказиш йўлида тайёр эмаслиги омма учун очиқ-равшан аён бўлиб қолган эди.

Жаҳонни титратган Октябрь инқилоби ўз йўлида адашишлар, фожиаларга олиб келган бўлишига қарамай социализм ғояси ўзи учун йўл очиб бормоқда. Улуғ инқилоб туфайли барпо бўлган жамиятда эндиликда ҳам инқилобий янгиланиш давом эттирилмоқда, турмушнинг барча соҳаларида қайта қуриш дадил бормоқда. Октябрь инқилоби бўлмаганида инсоният тараққиёти мезони ва умуминсоний қадриятлар тўғрисидаги масалани бугунги кунлардагидай янгича қўйиш мумкин бўлмас эди.

Йигит ва қизлар! ССЖИ фуқаролигини шараф билан оқлангиз! Ёшларнинг ақл-идроки ва куч-ғайрати қайта қуриш ишига сафарбар қилинсин!

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига чақириқлари)дан.







СУРАТЛАРДА: Петербург шаҳри Октябрь инқилоби кунларида. ТАСС суратлари.



СУРАТДА: учрашув пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурати (ЎзТАГ).

ПАХТАКОРЧИЛАР ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

Жумҳуриятимизнинг «Пахтакор» футбол командаси ҳам бу йил катта зафар қучди. Етти йиллик танаффусдан сўнг севимли командамиз яна олий лигада ўйнайдиган бўлди.

Ўтган етти йил оғир кечди: изланишлар, йўқотишлар, адашишлар... Ва ниҳоят миллионлаб мухлислар орзуси амалга ошди. Армон бўлиб келаётган ниятимиз ушалди. Узоқ кутилган бу ғалабага айнан ҳозирги пахтакорчилар, уларнинг раҳбарлари эришдилар. Бугун уларни бутун эл олқишламоқда, жумҳуриятимиздан ташқарида ҳам минглаб мухлислар қутламоқда.

Кеча жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов «Пахтакор» командаси футболчилари ҳамда раҳбарларини қабул қилди. Ўртоқ Каримов ўйинчилар, уларнинг устозларини катта ғалаба ва Улуғ Октябрь инқилобининг 73 йиллиги байрами билан қизғин табриклади. Бу ғалаба нафақат спортда, балки Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Самимий мулоқот пайтида И. А. Каримов пахтакорчиларнинг шахсий ҳаётлари, орзулари билан қизиқди.

Учрашувда команда бош тренери Ф. С. Новиков футболчиларга кўрсатилаётган эътибор учун жумҳурият раҳбариятига миннатдорчилик билдирди. Шунингдек у, олий лигада ҳам мухлислар ишончини оқлаш, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя этиш учун барча имкониятлар борлигини айтди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси О. Н. Назиров жумҳуриятимиз спортининг бу йилги ютуқлари ҳақида қисқача тўхталди.

Сўнгра жумҳурият президенти И. А. Каримов футболчилар ва уларнинг устозларига қимматбаҳо совғалар топшириб, уларга сиҳат-саломатлик тилади.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССЖ Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, жумҳурият Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси В. А. Алламуродов, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон футбол федерациясининг раиси А. И. Фозилбеков ўртоқлар қатнашдилар.

1. МУҚАДДИМА

«Жиззах ноҳиясидаги Сталин қишлоқ шўросида яшовчи фуқаро Байзо Миразимовга!

Сизга нисбатан қўзғатилган жиноий ишда жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли Самарқанд вилоят суди ҳайъатининг 1956 йил 12 июндаги қарори билан ҳаракатдан тўхтатилди.

И. ПАЧАНИДЗЕ,
вилоят прокурорининг махсус ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи, адлия кичик маслаҳатчиси.
1956 йил 6 июль».

Афсуски, Байзо Миразимовга бу сатрларни ўқиш насиб этмади. Аммо у ҳақиқатнинг қарор топиши, ўзининг бегуноҳлигини — «миллатчи» ҳам, «халқ душмани» ҳам эмаслигини исботлаш учун ўн тўрт йил курашди. Мазкур қарор унинг номига йўлланганидан уч кун олдин оламдан кўз юмган эди...

Ҳар қандай бўҳтон, разолат — ҳақиқат қаршисида ожиз! Қани энди, тарихимиз биз ўрганган дарсликларда ёзилганидек равон бўлса. Минг афсуски, ундай эмас...

2. ОТАМНИ КУРГАН БОРМИ?

«Ҳурматли йўловчилар! Тошкент — Новосибирск бўйлаб учаётган тайёра парвозга шайланмоқда. Илтимос, қайишларни маҳкамланг...

Сизларга, оқ йўл тилаймиз...»

Тайёра бекасининг ёқимли ва майин овозидан сўнг, пурвиқор булутлар оҳиста сузиб, орқада қолаётгани ҳам, бир маромда гувиллаётган мотор товуши ҳам Эргашнинг хаёлларини бузолмасди.

...Ўша куни унинг хонадонида тўй бўлиб кетди. Қариндош-уруғлари, биродарлари уни чин юракдан табриклашди. Ишхонаси — шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимидан ҳамкасблари қўнғироқ қилишди. Хурсандчилик нашидасини суриш онлари охирлаган сари Эргаш ўзини-ўзи саволга тутарди: «Нега, шундай бўлди? Қайси айби учун отам ўн тўрт йил қамоқ ва сургунда бўлди? Ким эди у? Бу саволлар тарих учун, фарзандлар учун жумбоқ бўлиб қолаверадими? Йўқ! У буни билиши лозим, тагига етиши керак. Аммо кимдан билади? Забонсиз ўтмишга гувоҳлик берадиганлар, отасини билганлар, унинг ноҳақ қамалганлигини айтиб, бедодлик устидан ҳукм чиқара оладиганлар борми?».

* * *

...Ўша пайтда Миразимовлар оиласи Андижон вилоятининг Жалолқудуқ ноҳиясида истиқомат қилишарди. Ноҳия ички ишлар бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаётган Байзо 1938 йилнинг 28 апрелида ўша пайтда қамоққа олинган жумҳурият раҳбарларининг «думи» сифатида қораланди. Жумҳурият ички ишлар халқ комиссариатининг алоҳида кенгаши ҳукми билан Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексининг 60 ва 67-моддаларига асосан саккиз йил озодликдан маҳрум этилди...

Мирбайзо Миразим ўғли асли жиззахлик. 1895 йилда Ўратепалик маҳалласида туғилган. Унинг турмуш ўртоғи фарзандларини ота васиятларига садоқат руҳида тарбиялади. Ҳатто эри қамалиб кетган йиллари ҳам уларга Байзо Миразимовнинг 1918 йилдан то 1937 йилгача Жиззах, Ғаллаорол, Самарқанд, Балиқчи, Жалолқудуқ ноҳияларида ички ишлар бўлимларини бошқарганини, Октябрь инқилобининг фаол иштирокчиси бўлганини ҳикоя қилиб берарди.

«Ҳовлимизга кириб келганлардан бири Мирбайзо Миразим ўғли эди. Унинг соқол-мўйлови сабза урган, келишган озғин гавдасига нисбатан боши каттароқ, кийимбоши ҳам асл рангини йўқотган, оёғига пошнаси баланд ағдарма чарм этик кийиб олганди. Янги замон кишилари бизнинг ҳовлимизга шундай ҳолатда кириб келишганди... Эски замон таг-томири билан қулаган, гумдон қилинган эди...»

Н. Сафаровнинг «Наврўз» романидан Эргашнинг кўз ўнгида ота қиёфаси ана шундай тикланди. Кейин у отасининг узоқ вақтлар Жиззах, Фориш ноҳияларида, Фарғона водийсида босмачиларга қарши курашганлиги тўғрисидаги ҳикояларни эшитди.

1938 йилда Байзо Миразимов устидан тергов тамом бўлгач, Тошкент қамоқхонасидан Воркута шаҳрига сургун қилинади. НКВД ходимлари унинг «халқ душмани» эканлигини тасдиқлаш учун турли ҳийла ва усуллардан фойдаланишган. Бу усуллар қанчалик даҳшатли ва ноқонуний бўлмасин, у ўзига қўйилган айбларни бўйнига асло олмайди. Бироқ теварак-атрофинг разолат билан тўлиб-тошгани, эрк овозлар бўғилган даврда туҳмат балосига учраганлар ўзининг на «миллатчи», на «душман» эмаслигини исботлаши амри маҳол эди.

Ота ҳибсда бўлган кезлар уларнинг оиласи ярим оч, ярим яланғоч турмуш қуришди. Ҳаёт мушкилоти боис икки фарзанд оламдан ўтди. Қолганлари эса яшаш учун, тирикчилик учун қўни-қўшнилар эшигида юмушларни бажаришади. «Халқ душманининг оиласи» тамғаси остида ҳеч қаерга ишга қабул қилишмасди. Рўзғор ташвиши 12 ёшли Мунавварнинг зиммасига тушганди. То укалари ўзларини ўнглаб олгунига қадар, бутун машаққат унинг елкасида эди. Кейин Самарқанд Давлат дорилфунунининг филология куллиётини тугатиб, ўқитувчилик қилди. Инсон жисмоний қийноқларга ҳам, ҳар қандай оғир меҳнатга ҳам чидар экан-у, руҳий зарбалар олдида ожиз қоларкан. Фирқа аъзолигига қабул қилиш учун ариза берганида «халқ душманининг ўғли» тамғаси билан унинг илтимоси рад этилиши тақдирига болта уриш бўлди.

1

Байзо Миразимов эса 1946 йилгача Шимолдаги қамоқ лагерларида инсон зотига хос бўлмаган азобларга маҳкум этилди. Халқимизнинг кўплаб фарзандлари қийноқ ва қаҳратон совуқларга бардош беролмай она юртларига қайтиб келишмади. Жисмонан соғлом ва бақувват Байзо Миразимов бундай кўргиликлар қанчалик оғир бўлмасин чидади.

Қишлоғига қайтиб, кун кўрарманми, деганди. Аммо ҳар қадамда «айби»ни юзига солиб, яна иш беришмади. Уч йил ҳаёти бекорчиликда ўтди. Оила ташвишида мардикорчилик қилди.

1949 йил ёзида унинг хонадони осмонида яна қора булутлар пайдо бўла бошлади. Аллақандай номаълум шахслар Байзони сўраб келишди. Умрнинг қолган қисмини ҳаловатда ўтказаман, деб ўйлаган ота икки ёшли кенжа фарзанди Эргашнинг пешонасидан ўпиб, «ўғлим, тақдир экан, сен улғайиб, ўқимишли бўлгин», дея кўзига ёш олиб, қўлларини орқасига олганича, Давлат Хавфсизлиги Вазирлиги ходимлари олдига тушиб кетаверди. Энди тақдир шамоли уни Новосибирск вилоятининг Усть-Тарка қишлоғига учирган эди.

Бу ерда ҳам азоб ва разолатларга дуч келиши боис, оғир хасталикка чалиниб қолди. Мияга қон қуйилиб, оёқ-қўллари фалажланиб қолганди. 1954 йил 14 сентябрда уни уйига келтириб ташлашди. Ўша йили 11 ноябрда у ССЖИ Ички ишлар вазирлигига мактуб йўллаб, яна бир бор ўзининг айбсизлигини исботламоқчи бўлди. Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлигининг бўлим бошлиғи Колесникова бу хатни Москвага жўнатди. Оғир хаста Б. Миразимовнинг интизорликдан кўзлари толса толадики, аммо жавоб бўлмади.

Б. Миразимов эҳтимол, сўнгги бор яна қўлига қалам олди. Бу гал 1956 йил 28 февралда ўз ишини бошлаган КПССнинг XX съездига мактуб бўлди. Марказий Қўмита кўрсатмасига биноан Самарқанд вилоят прокуратураси Байзо Миразимов устидан қўзғатилган жиноий ишни қайта кўриб, унинг гарданига тушган барча айблар тасдиқланмаганлигини илк бор тан олди.

...Тайёра бир маромда гувиллайди. Эргаш қандай қилиб йўл халтасидан ўша ҳужжатни қўлига олганини эслолмайди. Нигоҳлари унга қадалиб қолган. Мана у — отаси 14 йил интизорлик билан кутган ва ҳақиқатнинг қарор топиши учун курашган ҳужжат. Буни отаси кўролмади. Ўлимидан уч кун кейин келган ҳақиқат дараги Эргашни етаклаб у кўрмаган, билмаган юртларга, ота изи бўйлаб бошлаб боряпти. Уни олдинда нималар кутмоқда?

3. ИЗЛАРНИ ИЗЛАБ

Хаёл — учқур, хаёл — шошқин, хаёл — тизгинсиз. Тайёра Новосибирскдан 50 километр жанубдаги Толмачева тайёрагоҳига қўнгунига қадар Эргаш Миразимовнинг хаёллари минг бор ўтмишга бориб келди. Отасининг қайғули тақдири, тарихнинг қалтис ҳазили устида мулоҳаза юритиб, ўзича ҳукм чиқарди. Шу билан бирга кўпчилик учун зиндон бўлган Сибирь замини уни қандай қарши олишини ўйлар, юрагининг аллақаерида ота изларини топишга бўлган учқун билан биргаликда, «Эҳтимол, бирор натижа чиқмас. Ахир, ундан буён ҳам қанча сувлар оқиб ўтди-ку», деган шубҳа ҳам йўқ эмас эди...

Тайёра белгиланган вақтдан уч соат кечикиб қўнди. Сибирнинг илм-фан маркази бўлган Новосибирск билан яқиндан танишиш Эргашнинг кўпдан дилига туккан орзуси бўлишига қарамай, у вақтни бой беришни истамади. Отаси билан боғлиқ Усть-Тарка қишлоғига отланди.

Усть-Тарка — ноҳия маркази экан. Бироқ Новосибирскдан у ерга на тайёра, на автобус қатнайди. Вокзалга чиқиб, навбатдаги поезднинг келишини кутишга тўғри келди.

Татарск станцияси Новосибирскдан 550 километр. Вагон ойналаридан хаёлан ўрмонларга тикилиб, ўз-ўзини саволга тутди: «Нега, менинг отамни шунчалик узоқ юртларга бадарға қилишди? Унинг гуноҳлари шунчалик оғирмидики, эл кўзидан узоқроқ бўлсин, дейишган бўлса? Яқинроқда отам сингари йигитларга қиладиган иш топилмасмиди?»...

Афсуски, унинг сафари Татарскда ҳам тугамас экан. Шимол томонга қараб яна 70 километр йўлни автобусда босиб ўтишга тўғри келди. Кеч соат 19 ларда Усть-Тарка меҳмонхонасига жойлашди. Узоқ йўл ҳоритган, тамадди қилишга ҳам вақт топилмаганди. Тўйиб овқатланди. Кечқурун меҳмонхона ётоғига кириб, мусаффо сувдан тўйиб, чанқоғини қондирди. Бироқ кўп ўтмай, кўнгли айний бошлади. Ҳар эҳтимолга қарши бирор кор-ҳол рўй берса, «Тез ёрдам» чақиришни мўлжаллаб меҳмонхонанинг навбатчисига мурожаат этди.

— Мени маъзур тутасиз. Сизни огоҳлантириб қўйишни унутибман, — деди навбатчи Эргашнинг аҳволидан афсусланиб. — Бу ернинг сувини ичиб бўлмайди. Ичиш учун сувни бошқа ердан ташиб келтирамиз.

Йўл азоби, ҳалигача транспорт қатнамайдиган қишлоқлар, бу ерда кўриб турганларининг ҳар бири Эргашнинг миясига электр қуввати каби урилар, вужудига титроқ югуртирарди. 21-аср бўсағасида бу ердаги аҳвол шундай экан, 40-йиллардаги маҳбусларнинг аҳволи қандай кечдийкин?

2



Ишни отасининг паспорти рўйхатга олинган жойдан бошлади. Хизматчилар Байзо Миразимов номига ёзилган ҳужжатни дарҳол топишди. Ўша вақтларда бу ерда ишлаган Виктор Аркадьевич Журавлев ҳали ҳаёт экан, унинг манзилгоҳини беришди. Кўринишидан нуроний, ёши саксонлардан ошиб қолган бақувват қарияга мақсадни тушунтириш Эргаш учун унча қийин бўлмади. Олдин отасининг паспортини кўрсатиб, имзосини танитгандан кейин, ўзини унинг ўғли эканлигини, Байзо Миразимовнинг изларини излаб келганлигини айтди.

— Эҳ-е, уларнинг қайси бирини эслайман? Ахир, бу паспорт бўлса... Қолаверса, отангга ўхшаган маҳбуслар каммиди?.. — қария елка қисди.

Эргаш ҳар эҳтимолга қарши қўйнидаги отасининг суратини кўрсатди.

Виктор Аркадьевич уни қўлига олиб, узоқ вақт термулиб турди.

— Эслаяпман, — деди кейин кўзойнагини ўнглаб, — қани, ичкарига кирчи...

Улар Шимол табиатига мос солинган ва унча катта бўлмаган хонага кириб, дераза ёнига қўйилган стол атрофига ўтирдилар. Виктор Аркадьевич хотира лавҳаларини «варақлайди».

— Агар ишонсанг, мана шу сен кўриб турган Усть-Таркада қадимда одамлар яшамаган. Ҳозирги ёшлар ўтмишни қоралашга ўрганиб қолишди, бироқ мана шу ерларда бунақа шаҳарларнинг вужудга келтирилиши ҳам тарихнинг бир ютуғи-ку... Бу ердаги аҳолининг ҳозир таркиби турли ерлардан бадарға қилинган, ҳар хил миллат вакилларининг ўтроқлашиб қолишидан вужудга келган. Бироқ, ўша пайтда шундай қилинмаса, бу ерга ким келарди? Мана, ўзинг айтчи, сен келармидинг? Келмас эдинг...

Суҳбат қизиб кетди. Виктор Аркадьевич ўтмиш ҳақида гоҳ қувониб, гоҳ куюниб, ҳикоя қилар, суҳбат мавзуси маҳбуслар ва улар бошига солинган қийноқлар устига келиб тўхтаганда эса маъюсланиб қолар, куюниб-тутақиб кетарди. Эргаш бу суҳбатда шаҳар аҳолисининг асосий қисмини Волга бўйидан сургун қилинган немислар ташкил қилишини, руслар, қозоқлар, татарлар турли сабабларга кўра бадарға қилинганлар шу ерда оила қуриб, доимий қолиб кетганлигини англатади.

— Отанг «кучлилар» гуруҳидан эди, — дейди Виктор Аркадьевич суратни қўлига олиб. — Сиёсий сургундагиларни «кучлилар» деб аташарди... — Кейин сукут сақлади. Деразадан ташқарига бир зум тикилиб турди-да, кафтини пешонасига тираб, сўзида давом этди. — Ахир, ўн икки қишлоқда шундай маҳбуслар яшарди. Паспорт режими қаттиқ назорат қилинарди. Агар янглишмасам... Сенинг отанг кирган гуруҳда яна бир озарбайжон, москвалик икки генерал, Бухариннинг турмуш ўртоғи, Кремль комендантининг қизи ва литвалик бир ёзувчи ҳам бор эди. Тақдир ғазабига учраган бу маҳбуслар тез-тез у қишлоқдан бу қишлоққа кўчирилиб, тўғри келган ерда ётиб юришарди. Биз отангни Боря, деб чақирардик. Аммо энди нимани ҳам топардинг? Майли, излаб кўр... Бироқ, менинг билганларим шу. Бошқа ҳеч нарсани эслолмайман. Ахир орадан озмунча вақт ўтдими?

— Лоақал, отам яшаган қишлоқни айтиб берарсиз? — илтижо билан унинг кўзларига тикилди Эргаш.

— Йўқ. Эслолмайман...

У В. А. Журавлев олдидан бир ҳолатда чиқди. Ҳалигина ялт этиб ёнган умид учқунлари яна сўнган, ҳозиргина топган из яна қайтадан йўқолгандай эди. Энди қаерга боради? Кимлардан сўроқлайди? Йўқ! У шу ҳолда Ўзбекистонга қайтиб боролмайди. Наҳотки, бутун бошли қишлоқда отасини таниган, кўрган ёки жилла бўлмаса бирор хабарини билган инсон топилмаса? Шу илинж, шу умид уни уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ етаклади. Отасининг суратини қўлига олиб, кўчада кўринган ҳар бир кимсадан сўроқлади. 3-Козино фермасида яшовчи Д. П. Угланов, В. А. Карацивин деган кексалар, ўша даврда Тарка қишлоғида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Проськовья Егоровна деган аёл отасини танишди, бироқ унинг тақдири ҳақида ҳеч нарсани айтиб беролмадилар.

Кейинги куни Эргаш ноҳия ижроия қўмитасига борди. Бу ердаги ҳужжатларни, титкилай туриб, 1952—1954 йилларга доир хўжалик китобининг ўрталарида отасининг фамилиясини учратди. **«Байзо Миразимов — скотник 160-совхоза»,** деб ёзилганди унда. Суриштирса, бу ҳозирги Козино қишлоғи экан. Ноҳия марказидан бир кунда икки марта автобус қатнашини, енгил автомашиналар умуман у томонга кам қатнашини айтишди.

3

4. САЛОМ, САША!»

Азонда йўлга тушган автобус соат 10 ларда уни Козинога элтиб қўйди. Август ойи бўлишига қарамай, совуқ этни жунжиктирарди. Курткасининг ёқасини кўтариб олди. Бекатдан қишлоқ ичига қараб кетган йўлдан юз метрлар чамаси юргач, ғалтак билан сув ташиётган икки қарияга дуч келди. Ўзбек таомилига кўра саломлашиб ўтиб кетмоқчи эди, уларнинг бири бирдан «Салом, Саша! Қачон келдинг?», деб сўраб қолса бўладими. Эргаш ҳайрон.

— Мен Саша эмасман, холажон. Сиз бировга ўхшатяпсиз, шекилли...

— Ёпирай, одамнинг ўхшашлигини... Мен сени Александр Борисовичга ўхшатибман. Омон бўл, болам...

«Борисович?» Эргашнинг хаёлига лип этиб, Усть-Таркадаги Виктор Аркадьевич Журавлевнинг отасини «Боря» деб тилга олгани ўтди. Қарияни тўхтатиб, ўзининг Ўзбекистондан келганини, мақсадини тушунтириб, «Саша»нинг турар жойини суриштира бошлади. Улар чала-ярим қилиб, Александр Борисович Кольманнинг уйига бориш йўлини айтиб бердилар.

Эски рус усулига мослаб солинган ёғоч уй. Дарвозани очган 50 ёшлар атрофидаги касалманд бир аёл салом-аликсиз Эргашнинг юзига тикилиб турди-да:

— Сен Сашани излаб келган бўлсанг керак. У ҳозир бу ерда яшамайди, — деди.

Эргаш яна ҳайрон бўлди.

— Қани ичкарига кир. Гаплашамиз. — Таклиф қилди мезбон.

Эргаш хонадон соҳибаси таклиф қилган уйга кирди-ю, ҳайратдан қотиб қолди. Воажаб... Девордаги сурат — унинг ўзи-ку! Ўн саккиз ёшлигидаги қиёфаси.

Шу пайт остонада 4-5 ва 6-7 ёшлардаги икки бола пайдо бўлди. Улар югуриб келиб, Эргашнинг бўйнига осилдилар:

— Саша амаки! Қачон келдингиз?

Тақдир шунчалар ҳам мураккаб бўладими? Эргашнинг юраги ўз-ўзидан дукиллаб кетди. Ички бир туйғу билан у ўзи учун номаълум бўлган укаси топилганлигини ҳис этди. Наҳотки... Ёки... Янглиш бўлиб чиқмасин тағин...

Хонадон эгаси ўзини Александрнинг ўгай акаси эканлигини, укаси ҳозир Омск вилоятининг Куламзино қишлоғида яшашини айтди.

Эргаш Оконишниково ноҳия марказига етиб келди. Бир неча меҳмонхонада тунаб, эртасига Куламзино қишлоғига жўнади. Юрмаган жойларни кезиш қийин бўларкан. Автобуснинг айланиб юришини қаердан билсин, уни яна Оконишниковога олиб келди. Кейингиси кечқурун экан. Ғарибгина, кимсасиз автобус бекатига кириб йўл маршрутларини ўргана бошлади. Ягона телефон билан диспетчер ёрдамида «Куламзино» давлат хўжалиги идорасига қўнғироқ қилиб, Александр Борисовични сўради.

Ҳаёт ажойиботларга ҳам, ғаройиботларга ҳам, тасодифларга ҳам, мўъжизаларга ҳам, сиру-синоатларга ҳам тўлиб-тошган. Наинки, у қондош-жондош оға-иниларнинг юлдузини тўғрилаган бўлса?! Наинки, коинотдаги юлдузларнинг тўқнашувини қўл билан ўнглаб бўлса?! Дастакни Александрнинг ўзи кўтарди! Қандайдир иш билан директорнинг хонасига кириб қолган экан.

— Саша! Мен сени кўрмоқчиман. Излаганим — сен! Эшитяпсанми, Саша?!

— Кутиб тур. Мен ҳозир етиб бораман...

Улар унсиз учрашдилар. Иккиси ҳам бир-бирига сўзсиз тикилиб қолишди. Нима деб кўришишсин? «Укам» деса, адашмайдими? «Акам» деса тўғри бўладими?! Иккиси ҳам бир-бирига тикилиб тураверишди, тураверишди. Иккиси учун ҳам қаршисидаги бир-бирининг ўз акси.

Гапни Эргаш бошлади:

— Миразимов фамилияси сизга нимани эслатади?

Укаси жавоб қайтарди:

— Отам ўзбек бўлган экан. Бироқ фамилияси Миразимов эмас, Моразимов, исми — Борис!

Энди шубҳаларга ўрин қолмаган эди. Эргашнинг қаршисида унинг укаси турарди!

— Мен унинг ўғлиман, — таништирди ўзини.

Улар унсиз, яна қучоқлашиб кўришдилар. Саша уни қишлоққа олиб кетиб, уч кун меҳмон қилди.

— Қара-я, — дейди Александр Борисович қувончини яширолмай. — Бизга ҳаёт ато этган инсон — маҳбус Борис Моразимов эмас, чекист Байзо Миразимов экан! Мени бўлса, бу ердагилар ҳанузгача «сенинг миллатинг немис» дея, унимни чиқаришмайди. Зарари йўқ. Бугун томиримда кимнинг қони юрганлигини билиб олдим. Отам бечора 1949 йилда Сибирга сургун қилингач, бир неча муддат молхонада тунаб юрибди. Кейин ўлиб кетмаслик учун ва бошпанали бўлиш мақсадида онам — сургунда бўлган немис аёли Екатерина Яковлевна Кольманга уйланган. Ўша вақтда маҳбусларнинг кўпчилиги шундай қилиб, жон сақлашган, бир-бирларига суянч бўлишган.

Эргаш отасининг аслида ким бўлганини батафсил сўзлаб берди. Бирма-бир ўзи тўплаган маълумотларни кўрсатди. Ҳужжатлар отасининг кураш йўли ҳақида ҳикоя қилади. Мана, улардан бири:

«...Байзо Миразимов ўлимидан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг 1956 йил 27 июлдаги қарорига мувофиқ 1927 йилдан бошлаб КПСС сафига тикланган.

В. СМЕЮШЕВ,
Андижон вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби.
1989 йил 29 июнь».

Султон ПУЛАТОВ,
Ислом УСМОНОВ.

4

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МУДОФАА, ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш комиссияси Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитасига айлантирилсин.

2. Қўмита Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари орасидан қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

ҚЎМИТА РАИСИ

Ниёзматов Вилор (Омонулло) Раҳматуллаевич — КПСС Марказий Қўмитаси «Советская культура» рўзномасининг Ўзбекистон ССЖ бўйича мухбири:

ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ

Абдувосиқов Абдуманнон — халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси шаҳар қўмитасининг биринчи котиби

Акбаров Рустам Раҳбарович — Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг раиси

Алиев Бурхон Қосимович — «Главташкентстрой»га қарашли 2-уйсозлик комбинатининг бошлиғи

Белоусов Борис Николаевич — ҳарбий қисм сиёсий бўлимининг бошлиғи

Бердиев Ҳаким Эшбоевич — халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё вилоят қўмитасининг биринчи котиби

Бибиков Игорь Анатольевич — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби

Волков Игорь Георгиевич — Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Демик Николай Кузьмич — Туркистон Ҳарбий округи алоҳида бўлимининг бошлиғи,

Емельянов Андрей Борисович — Ўрта Осиё темир йўли «Ўзбекистон» станциясининг бошлиғи.

Желтоухов Виктор Михайлович — Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи.

Захаров Александр Имаметдинович — Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи.

Исмойлов Олимжон Жўраевич — халқ депутатлари Чилонзор ноҳия Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Чилонзор ноҳия қўмитасининг биринчи котиби

Икромов Акмал Икромович — Ўзбекистон Компартияси Маркази Қўмитасининг котиби.

Йўлдошев Баҳодир Усмонович — Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари.

Йўлдошев Раҳимбой Йўлдошевич — Хоразм вилояти 167-қурилиш трестининг бошқарувчиси

Йўлдошев Тўрақул — халқ депутатлари Иштихон ноҳия Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Иштихон ноҳия қўмитасининг биринчи котиби

Кондратьев Георгий Григорьевич — Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари.

Кўчимов Абдусаид — «Ленин учқуни» рўзномасининг муҳаррири

Маҳмудов Владимир Носирович — Ўзбекистон ССЖ Ҳарбий комиссари

Нажимов Шавкат — Ангрен олтин конининг директори

Ниетуллаев Соғиндиқ — Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят қўмитасининг биринчи котиби

Носиров Абдусамад — Тошкент вилояти халқ назорати қўмитасининг раиси

Нусратов Шуҳрат Тухватович — халқ депутатлари Куйбишев ноҳия Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Куйбишев ноҳия қўмитасининг биринчи котиби

Попов Ринад Александрович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби

Расулов Маҳмуджон Мўминович — Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят қўмитасининг иккинчи котиби

Собитов Тўлқин Ҳамидович — Ўзбекистон ССЖ Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Салимов Исмоил Иброҳимович — Тошкент тайёрагоҳи бошлиғининг кадрлар бўйича ўринбосари

Холбоев Мамаюсуп Поёнович — халқ депутатлари Термиз шаҳар Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Термиз шаҳар қўмитасининг биринчи котиби

Шарипов Зариф — халқ депутатлари Когон ноҳия Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Когон ноҳия қўмитасининг биринчи котиби.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 31 октябрь.

Ёшлар ижоди

ОҚ РАНГ...

Шоирлар азалдан севган оқ рангни,
Унда мужассамдир ҳалоллик — поклик.
Шоирлар азалдан севган оқ рангни.
Чунки чўчиб яшар ундан ёмонлик!
Халқнинг ташвиши-ю, арз-дод ўқидан,
Шоирнинг юраги бўлса ярадор,
Қонталаш айтилган ҳар бир сўзидан,
Энг аввал оқ қоғоз бўлар хабардор!..

Тўрамурод РАҲМОНОВ.
Сурхондарё вилояти.

ҲАР ТОНГ...

Омад бизга кўрсатмади юз,
Бўзарганча тонглар отмоқда.
Армонларнинг қулимиз
ҳануз,
Умидларим инграб ётмоқда.
Қарайман бу оламда хўрлик,
Бир лаҳзалик чақинга ўхшар.
Кеча шодлик, бугун кўргулик,
«Томоша»нинг ўзидир
башар,
Халқим дея кимга сиғиндим,
Ғанимларга бўлибман
йўлдош.
Билсам бугун ўша
«дўстларим»
Ҳам бошимга отаётир тош.
Бир гўдакдай ночор
йиғлайман,
Фалакларга етганча оҳим.
Уз бағримни ўзим
тиғлайман,
Қайда дейман халқим —
оллоҳим.
Қалбим менга бермайди
тинчлик,
Чўғдай оташ хаёлга ботдим.
Армонимас, ҳар кеч
минг йиллик,
Исёнларни қучоқлаб ётдим.
Қуёш нурин кўтара олмай,
Булутларнинг беллари синди.
Бундай дардга мен ҳам
чидолмай,
Сукутларим ёмғирдай сингди.
Беҳис умр тоғга ҳам абас,
Бир бошимиз бир дунё
армон,
Мени ҳар кун оппоқ тонг
эмас,
Уйғотади уйқудан исён.

Ғофур ҚУРБОНОВ,
Бухоро вилояти.

ЎЗНИ ЁМОНЛАСАНГ...

Тарихни булғатмайлик, у кечирмайди. Шу боис, тарихни тўғри талқин этиш — унинг тубсиз оламидаги муаммоларни фақат одил ҳал этади. Ҳамма гап тарихий воқеалар ва фактларни тўғри, ҳаққоний талқин этишда.

Ҳеч кимга сир эмас: ҳозир ҳам ўзбекнинг турмуш тарзида, айниқса зиёлилар луғатида ҳеч тап тортмай ишлатилаётган бир-икки жумла бор. Булар турмушда сон-саноқсиз учраб турган, содир бўлаётган ирвогарлик, туҳмат, кўролмаслик, ўғирлик, порахўрлик каби ғаламисликлар бўлиб, эскилик сарқити ва буржуазия ёки капитализм иллатлари сифатида қаралади; буларга капитализм ва эскилик дўпписини кийдиришади.

Дўппини енга қўйиб ўйлайман. Бепоён фикрлар, ўйлар дарёсига ғарқ бўламан.

Ҳақотки, ҳозирги ошкоралик ва янгича тафаккур негиздаги демократик бирсўзликлар қарор топаётган ҳурият даврида ҳали ҳам мазкур сўзлар «тўғри» маъносида яшаб берса!... Йўқ, бу хато!

Ўйлаб кўринг! Ўтмишда ўлкамизда капитализм яшамаган, демакки, буржуазия бўлмаган; феодал бедодлик ҳукм сурган. Бу ҳаммага аён! Эскилик сарқитининг ўзи нима? Инсоният бор экан, турли формациялар бўлаверади, давом этаверади. Бу — табиат ва жамиятнинг, ижтимоий борлиқнинг қонунияти. Инсоният бор экан «эскилик» қобиғи сарқит ва совға сифатида авлоддан авлодга ўзимиз сезмаган ҳолда ўтади. Бундан кўнгилимиз тўқ бўлсин.

Ҳурматли муштарий, сизга эриш туюлса-да, эскилик сарқити сифатида қораланувчи «таҳорат» сўзи ва унинг амалий тушунчаси қандай қилиб диний ёки эскилик бўлсин?! Ёки, капитализм иллатининг биздаги тарқалишига шаъма қилинган «моникур» сўзи ва у англатган маъно — рус тилидаги «монекюр» қандай иллат бўлсин?!

Бундай росмана фикрланг, «Таҳорат» — пок юриш, ҳид тарқатмаслик одати қадимий бўлганлиги учун бу олижаноб сўзга фақат дин аҳлларигина амал қилганлиги учун эскилик сарқити, деб қарадик, унинг моҳиятига тушунмадик! Ёки, қадим обидаларда ҳақли равишда кўрсатилган мусулмонларда миллий ва ахлоқий одатларни жаҳон халқларига кўз-кўзловчи ижобий сўз — «моникур»(асли мени кўр) сўзи Оврўпа илмига, капитализм «маданияти» сифатида талқин этилса! Бундай сўзнинг моҳиятига умуман ақлимиз етмади.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг кўпчилиги ёзиб қолдирган (Ибн Сино) асарларида мазкур сўз даставвал мусулмонларда ўз маъносида қўлланган: бу сўз аёллар учун бахт ҳисобланувчи — бир ойда бир марта келувчи «меҳмон»га нисбатан одоб, иффат, назокат амри билан эрга бўлган чексиз ҳурмат тимсоли сифатида бир ойда уч-тўрт кун ишлатилган. Бундай нозик гўзаллик, эрга нисбатан руҳий жилва қайси бир халқда бўлган гапиринг! Бу сўз дастлаб Ўрта Осиё аёллари дунёсида яшади; сўнг тирноқ, бўяш Оврўпа аёлларига тарқалди.

Қани энди, ўз урф-одатини унутган ёки тушунмайдиган ҳозирги замон ўзбек аёллари «меҳмон келган» кунларда ўз маҳрамларига ўз нафосатларини бир ойда бир марта намоён қилсалар бўлди. Бу нарса фарзандларнинг сир тутилувчи аҳлоқни эр-хотин орасида фикрий муштаракликни тарбиялаган бўлар.

Демак, ҳар бир нарсага ёндашганда олдин фикр қилган, сўнг уни рўёбга чиқарган маъқулдир. «Сарқит» ва «иллат» деган жўн эшитилмайдиган сўзлар мантиқан мезон [illegible] ўтиши лозим. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи томони ҳам бор — у ҳам бўлса, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқини нисбатан «ёппасига саводсиз»ликда айб урдик. Бу нарса «Ўзбекистон ССЖ тарихи»дан тортиб, то бошқа манбаларда ҳам «Октябрь революциясигача Ўзбекистон меҳнаткашларининг деярли ёппасига хат-саводсиз бўлганлигининг сабаби ана шундадир», деган бемаза «дийдиё»лар такрорланиб келди.

